



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 6 » октябрь

№ 602

Toshkent sh.

Коронавирус пандемияси туфайли юзага келган иқтисодий вазиятда туризм соҳаси субъектларини қўллаб-қувватлаш ва туризм инфратузилмасини ривожлантириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 28 майдаги ПФ–6002-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Туризм соҳасини санитария-эпидемиологик хавфсизликнинг кучайтирилган режими талабларига катъий риоя қилган ҳолда ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 19 июндаги ПҚ–4755-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Туроператорлар, турагентлар ва жойлаштириш воситалари харажатларининг бир қисmini қоплаш учун субсидиялар беришнинг вақтинчалик тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Туризм соҳасининг алоҳида субъектлари фаолияти билан боғлиқ харажатларни қисман компенсация қилиш ва хўжалик субъектларининг эпидемияга қарши курашиш профилактик тадбирларини амалга оширишга йўналтирилган харажатларини қоплашнинг вақтинчалик тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Туризм ва ёндош инфратузилма объектлари ҳамда туристик хизматларни санитар-гигиена жихатдан хавфсиз хизмат кўрсатиш талаблари асосида сертификатлаш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Хавфсиз туризм жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасида туристик зоналарга автотранспорт воситалари билан кириш учун йиғимни ундириш тартиби тўғрисидаги низом 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ туризм соҳаси субъектларининг кредитлари бўйича фониз харажатлари, истисно тариқасида, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 16 январдаги 28-сон қарори билан

тасдиқланган Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси тўғрисидаги низом асосида қуйидаги ҳажм ва шартларда компенсация қилинади:

жойлаштириш воситаларини қуриш учун тижорат банклари томонидан олдин берилган кредитлар бўйича 2020 йил 1 мартдан 1 июнгача бўлган даврда туризм соҳаси субъектларининг фоиз харажатлари тўлиқ ҳажмда;

жойлаштириш воситаларини қуриш учун туризм соҳаси субъектларига олдин берилган кредитлар бўйича 2020 йил 1 июндан 2022 йил 1 январгача бўлган даврда фоиз харажатларининг Марказий банк асосий ставкасидан ошган, бироқ 10 фоизлик пунктдан ортиқ бўлмаган қисми;

янги санитария-гигиена талабларига мувофиқлаштириш учун туризм соҳаси субъектларига бериладиган кредитлар бўйича фоиз харажатларининг Марказий банк асосий ставкасидан ошган, бироқ 10 фоизлик пунктдан ортиқ бўлмаган қисми;

айланма маблағларни тўлдириш учун туризм соҳаси субъектларига бериладиган 1 миллиард сўмгача миқдордаги кредитлар бўйича 2020 йил 1 июндан 31 декабрга қадар бўлган даврда фоиз харажатларининг Марказий банк асосий ставкасидан ошган, бироқ 10 фоизлик пунктдан ортиқ бўлмаган қисми.

Туризм соҳаси субъектларининг мазкур бандда кўзда тутилган фоиз харажатлари бўйича компенсациялар уларнинг кредитлари сони ва ҳажмидан, шунингдек, олдин берилган ва/ёки берилаётган компенсациялар сонидан қатъи назар ажратилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси:

а) ҳар ой якуни билан кейинги ойнинг 20-қунига қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 28 майдаги ПФ–6002-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Туризм соҳасини санитария-эпидемиологик хавфсизликнинг кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 19 июндаги ПК–4755-сон қарори ҳамда мазкур қарорга мувофиқ тадбиркорлик субъектларига ажратилган маблағлар ҳисоб-китоби асосида кейинги ой учун ажратилиши режалаштирилаётган маблағлар бўйича буюртманомани Молия вазирлигига тақдим қилиб борсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг буюртманомасига биноан ҳар ойнинг якунига қадар буюртманомада келтирилган маблағларни Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобига ўтказсин;

б) бир ой муддатда ўзининг расмий веб-саҳифасида субсидия, давлат субсидияси ва грант олганлар сони ҳамда тақдим этилган маблағлар миқдори тўғрисидаги маълумотлар янгилаб борилишини таъминласин.

4. Белгилансинки:

а) туристик зонада замонавий автотураргоҳ ташкил этиш, унга киришда тўлов операцияларини амалга ошириш ва текшириб бориш учун мўлжалланган дастурий-аппаратли таъминот мажмуаси ва унинг тўлиқ жорий қилиниши ва ишлаши учун зарур бўлган ускуналарни ўрнатиш маҳаллий бюджет манбалари ҳисобига қопланади;

б) туристик зонага киришдан тушган маблағлар қуйидаги тартибда тақсимланади:

80 фоизи – Туристик зона дирекцияси махсус ҳисобрақамига;

20 фоизи – маҳаллий бюджет ҳисобрақамига ўтказилади.

Бунда, туристик зонада замонавий автотураргоҳ ташкил этиш ва унга киришда тўлов операцияларини амалга ошириш учун мўлжалланган дастурий-аппаратли таъминот мажмуасини ўрнатишга оид харажатлар қоплангандан сўнг туристик зонага киришда тушадиган маблағларнинг 100 фоизи Туристик зона дирекцияси махсус ҳисобига йўналтирилади.

в) Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги “Туризм хизматларини сертификатлаш маркази” ДУК, истисно тариқасида, туризм ва ёндош инфратузилма объектлари ҳамда туристик хизматларни санитар-гигиеник хавфсиз хизмат кўрсатиш талаблари асосида сертификатлаш фаолияти билан шуғулланишга аккредитация қилинмайди.

5. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирини Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси А.А. Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазирини



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “6” октябрдаги 602-сон қарорига
1-илова

**Туроператорлар, турагентлар ва жойлаштириш воситалари
харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар беришнинг
вақтинчалик тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қондалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) маблағлари ҳисобига субсидиялар ажратишнинг вақтинчалик тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

субсидия – туроператорлар, турагентлар ва жойлаштириш воситаларининг Жамғармадан тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш учун ажратилган маблағлар;

туроператор – туристик маҳсулотларни шакллантириш, илгари суриш ва реализация қилиш юзасидан туристик фаолият билан шуғулланадиган юридик шахс – Ўзбекистон Республикаси резиденти;

турагент – туристик маҳсулотни илгари суриш ва реализация қилиш учун туризм фаолияти билан шуғулланувчи юридик ёки жисмоний шахс - Ўзбекистон Республикаси резиденти;

жойлаштириш воситалари – меҳмонхоналар, туристик базалар ва мажмуалар, дам олиш уйлари ва зоналари, пансионатлар, кемпинглар, мотеллар, меҳмон уйлари, ўтов ва чодирли оромгоҳлар, санаторийлар ҳамда меҳмонхона хизматлари (жойлаштириш бўйича хизматлар) кўрсатиладиган бошқа объектлар, шунингдек, жойлаштириш воситаси сифатида тунаб қолиш учун жиҳозланган ер усти транспорти;

3. Субсидиялар қуйидагиларга:

туроператорларга – авиа ва темир йўл чипталари харажатларининг бир қисмини қоплаш учун;

туроператор ва турагентларга – Ўзбекистон Республикасига олиб келинган ва хизмат кўрсатилган ҳар бир хорижий турист учун;

жойлаштириш воситалари – жойлаштириш хизматлари (меҳмонхона хизматлари) учун ажратилади.

4. Туроператорлар, турагентлар ва жойлаштириш воситалари ҳар ой якуни билан (келгуси ойнинг 10-кунига қадар) субсидиялар ажратилиши учун Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига (кейинги ўринларда – Қўмита) маълумотлар тақдим этади.

5. Туроператорлар, турагентлар ва жойлаштириш воситалари аризани топшириш вақтида қайта ташкил этиш ёки тугатиш жараёнида бўлмаслиги керак ва фаолияти Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатларида белгиланган тартибда вақтинча тўхтатилган бўлмаслиги лозим.

**2-боб. Авиа ва темир йўл чипталари харажатларининг
бир қисмини қоплаш бўйича туроператорларга
субсидиялар ажратиш тартиби**

6. Субсидия кириш туризмини қайта тиклаш бошланганидан эътиборан 2020 йил 31 декабргача ажратилади.

7. Субсидия қуйидаги шартларда берилади:

а) хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар (хорижий туристлар) учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги жойлаштириш воситаларида камида 5 кеча тунашни ўз ичига олган турни ташкил қилиш;

б) ҳар бир туристик гуруҳ камида 10 нафар хорижий туристлардан иборат бўлиши.

8. Субсидия ҳар бир ташкил қилинган тур учун сотиб олинган авиа ва темир йўл чипталарининг умумий қийматининг 30 фоизи миқдорида ажратилади.

9. Туроператор субсидия олиш мақсадида Қўмитага ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шаклда субсидия ажратиш тўғрисидаги ариза билан ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилади.

10. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

а) авиа ва темир йўл чипталари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари;

б) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган жойлаштириш воситаларида туристларга кўрсатилган хизматлар учун тузилган шартномалар бўйича ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари (касса чеклари, бажарилган ишлар далолатномалари ва бошқалар);

в) туристик ваучерларнинг нусхалари;

г) ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ ҳисобот шакли.

**3-боб. Туроператорлар ва турагентларга олиб
келинган ва хизмат кўрсатилган ҳар бир турист учун
субсидиялар ажратиш тартиби**

11. Субсидия кириш туризми бошланган кундан эътиборан кириб келувчи хорижий туристларнинг умумий сони 500 минг нафарга етгунга қадар ажратилади.

Қўмита кириш туризми бошланган кундан эътиборан кириб келувчи хорижий туристларнинг ҳисобини юритади ва ўзининг расмий веб-сайтида эълон қилиб боради.

12. Субсидия туроператорлар ва турагентларга – Ўзбекистон Республикаси резидентларига Ўзбекистон Республикасига олиб келинган ва хизмат кўрсатилган ҳар бир хорижий турист учун, камида беш сутка давомида республикадаги жойлаштириш воситаларида бўлиш шarti билан 15 АҚШ доллари миқдорида ажратилади.

Субсидия миллий валютада тўлов кунидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича ажратилади.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 13 августдаги ПФ–5781-сон Фармонида асосан харажатлари қопланадиган чартер рейслар орқали олиб келинган ва хизмат кўрсатилган турлар ташкилотчиси бўлган туроператорларга субсидия ажратилмайди.

14. Субсидиялар олиш учун туроператор ёки турагент Қўмитага ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шаклда маблағ ажратиш тўғрисидаги ариза билан ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилади.

15. Аризага қуйидаги ҳужжатлар:

а) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги жойлаштириш воситаларида туристларга кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари (касса чеклари, бажарилган ишлар далолатномалари ва бошқалар);

б) туристик ваучерларнинг нусхалари;

в) ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ ҳисобот шакли илова қилинади.

4-боб. Жойлаштириш хизматлари (меҳмонхона хизматлари) учун жойлаштириш воситаларига субсидиялар ажратиш тартиби

16. Жойлаштириш хизматлари (меҳмонхона хизматлари) учун жойлаштириш воситаларига субсидиялар 2021 йил 31 декабргача ажратилади.

17. Субсидиялар жойлаштириш хизматлари (меҳмонхона хизматлари) нархининг 10 фоизи миқдорида ажратилади.

Бунда жойлаштириш хизматлари (меҳмонхона хизматлари)га номер (жой) нархига киритиладиган хизматлар ҳисобга олинади ҳамда жойлаштириш воситаси томонидан кўрсатилган қўшимча хизматлар (бар хизмати, ресторан хизмати ва бошқалар) киритилмайди.

Жойлаштириш воситаси ҳар бир ташриф буюрувчи ҳақидаги маълумотларни автоматлаштирилган махсус электрон дастур (“Е-МЕҲМОН”)га киритиш чоғида у жойлашган номер (жой) нархини қўшимча равишда киритиб бориши шарт.

18. Субсидия олиш учун жойлаштириш воситалари Қўмитага ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шаклда маблағ ажратилиши тўғрисидаги ариза билан ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилади.

19. Аризага қуйидагилар илова қилинади:

а) жойлаштириш воситасида жойлаштириш хизматлари кўрсатилган ташриф буюрувчилар рўйхати ва уларга кўрсатилган жойлаштириш хизматлари ҳажми тўғрисида маълумот;

б) жойлаштириш хизматлари кўрсатиш шартномалари (инвойс) ва/ёки жойлаштириш хизматларига ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари;

в) номер (жой) нарҳини шакллантириш тартибини белгиловчи жойлаштириш воситасининг ички қоидалари нусхаси.

20. Қўмита жойлаштириш воситаларида ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатилганлигининг ҳаққонийлигини автоматлаштирилган махсус электрон дастур ("Е-МЕНМОН") орқали текширади.

5-боб. Аризаларни кўриб чиқиш тартиби

21. Қўмита ариза олинган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида ҳужжатларнинг ушбу Низом талабларига мувофиқлигини текширади.

22. Аризани ўрганиб чиқишда қўшимча ўрганишлар ўтказиш талаб этилса, Қўмита ариза берувчини ёзма шаклда ёки электрон ахборот тизими орқали хабардор қилади ҳамда аризани ўрганиб чиқишни қўшимча 5 календарь кунга узайтириши мумкин.

Бунда қўшимча ўрганиш ҳудудларга чиқиб ўрганиш зарурати туғилганда амалга оширилади.

23. Аризани ўрганиб чиққандан сўнг, бир иш куни мобайнида субсидияларни ажратиш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Қарорнинг нусхаси қабул қилинган кунда ариза берувчига юборилади.

24. Субсидия ажратиш рад этилган тақдирда, рад этиш учун асос бўлган сабаблар аниқ кўрсатиб ўтилган қарор ариза берувчига ушбу қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир иш кунида юборилади.

Ариза берувчи қарорни олган кундан бошлаб кўпи билан икки ҳафта муддатда кўрсатиб ўтилган камчиликлар бартараф этилганини тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда Қўмитага такроран ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

25. Субсидия бериш қуйидаги асосларга кўра рад этилиши мумкин:

а) ушбу Низомнинг 10, 15 ва 19-бандларида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар тақдим қилинмаган ёки тўлиқ ҳажмда тақдим қилинмаганлиги;

б) тақдим қилинган ҳужжатларнинг нотўғрилиги;

в) ушбу Низомнинг 11-бандида белгиланган туристлар сони лимитининг тугаши;

г) ушбу Низомнинг 6 ва 16-бандларида белгиланган маблағлар ажратиш муддатининг тугаши.

Субсидия беришни ушбу бандда кўрсатиб ўтилмаган асослар бўйича рад этиш мумкин эмас.

26. Ариза такроран такдим этилган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида Қўмита томонидан қайта кўриб чиқилади.

Бунда янги асослар бўйича субсидия беришни рад этиш мумкин эмас.

27. Ушбу Низомнинг 24-банди иккинчи хатбошисида кўрсатилган муддат тугагандан кейин такдим қилинган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади.

28. Ушбу Низомнинг 24-банди “в” ва “г” кичик бандларида кўрсатилган сабабларга кўра янгидан такдим қилинган аризалар кўриб чиқилмайди.

29. Аризаларни қабул қилиш ва кўриб чиқишнинг якуний муддатлари:

авиа ва темир йўл чипталари харажатларининг бир қисмини қоплаш бўйича туроператорларнинг аризаларини қабул қилиш 2020 йил 15 декабрга қадар, уларни кўриб чиқиш эса 2020 йил 31 декабрга қадар амалга оширилади;

жойлаштириш хизматлари (меҳмонхона хизматлари) учун жойлаштириш воситаларининг аризаларини қабул қилиш 2021 йил 15 декабрга қадар, уларни кўриб чиқиш эса 2021 йил 31 декабрга қадар амалга оширилади;

олиб келинган ва хизмат кўрсатилган ҳар бир турист учун туроператорлар ва турагентларнинг аризаларини қабул қилиш кириш туризми бошланган кундан эътиборан кириб келувчи хорижий туристлар сони 500 мингга етганлиги эълон қилинган кунгача, уларни кўриб чиқиш эса кириб келувчи хорижий туристлар сони Қўмита томонидан 500 мингга етганлиги эълон қилинган кундан бошлаб 10 кун ичида амалга оширилади.

6-боб. Субсидия ажратиш тартиби ва муддатлари

30. Субсидия туроператор, турагент ва жойлаштириш воситаларига ҳар ой якуни бўйича, уларнинг ҳар ойда (ой якуни билан кейинги ойнинг 5-кунига қадар) такдим этадиган аризалари асосида ажратилади.

31. Субсидия ажратиш учун Қўмита Молия вазирлигига тадбиркорлик субъектларига ажратилаётган маблағлар ҳисоб-китоби акс эттирилган буюртманомани такдим этади.

32. Молия вазирлиги Қўмита томонидан такдим этилган буюртманомани уч иш кунида кўриб чиқади ва тегишли маблағларни Қўмитанинг шахсий ғазна ҳисобварақларига ўтказди.

Бунда тадбиркорлик субъектларига субсидия ажратиш учун Молия вазирлиги томонидан Қўмитага белгиланган тартибда шахсий ғазна ҳисобварақлари очилади.

33. Маблағлар ўтказилгандан сўнг уларни Қўмита уч иш кунида тадбиркорлик субъектларининг уларга хизмат кўрсатувчи тижорат банкларидаги ҳисобрақамларига ўтказиб беради.

7-боб. Якунловчи қондалар

34. Субсидия олиш учун такдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг тўғрилигига тегишли тадбиркорлик субъектлари масъул ҳисобланади.

35. Қўмита субсидия бериш ишларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва мониторинг олиб бориш, ажратилган маблағларнинг етказилиши юзасидан масъул ҳисобланади.

36. Субсидия маблағларининг тадбиркорлик субъектларига ўтказилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти томонидан амалга оширилади.

37. Тақдим этилган маълумотлар соҳталиги аниқланган ҳолларда Қўмита томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаментига тақдимнома киритилади ва ажратилган субсидия мазкур департамент томонидан белгиланган тартибда Давлат бюджетига қайтарилади.

38. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Туроператорлар, турагентлар ва жойлаштириш
воситалари харажатларининг бир қисмини қоплаш
учун субсидиялар беришнинг вақтинчалик
тартиби тўғрисидаги Низомга
I-илова

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш
давлат қўмитасига

Субсидия (рағбатлантириш субсидия) олиш тўғрисида
АРИЗА

(юридик шахсни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномага биноан сўровчининг тўлиқ номи)

(манзил, телефон, факс, электрон почта)

_____ манзил бўйича рўйхатдан ўтган,
(рўйхатдан ўтиш раками, санаси, гувоҳнома берган орган номи)

_____ шахс номидан,
(сўровчи раҳбарининг лавозими, Ф.И.О.)

- ☐ авиа ва темир йўл чипталари харажатларини қоплаш учун субсидия;
☐ кировчи туристлар оқимини таъминловчи туроператор ва туроператорга
субсидия;
☐ жойлаштириш воситалари (меҳмонхона хизматлари) учун жойлаштириш
воситаларига субсидия *(таплаш лозим)*.

_____ манзилда жойлашган
(вилоят, туман, шаҳар, кўча, бино раками)

Харажатларни қоплашда жами: _____ сўм миқдорида ажратишингизни сўрайман.

Сертификат олинган сана ва раками:

Корхонанинг жойлашган жойи (почта
манзили): _____

СТИР раками: _____

Электрон почта манзили:

Ҳисобраками: _____

Илова: _____ варақда

(ариза берувчи раҳбарининг лавозими, Ф.И.О.)

(шахсий имзо)

20 __ йил _____

Туроператорлар, турагентлар ва жойлаштириш
воситалари харажатларининг бир қисмини қоплаш
учун субсидиялар беришнинг вақтинчалик
тартиби тўғрисидаги Низомга
2-илова

ҲИСОБОТ ШАКЛИ

Т/р	Турист тўғрисидаги маълумотлар		Хорижий туристнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига саёҳати тўғрисида маълумот	
	Фамилияси, исми, отасининг исми (мавжуд бўлса)	Шахсни тасдиқловчи ҳужжатдаги маълумотлар	Хорижий туристнинг кириш ва чиқиш саналарини кўрсатган ҳолда мамлакатда бўлиш давомийлиги	Жойлаштириш воситасининг номи
1.				
	Жами			

Туристлик оқимни таъминлаш учун туристик маҳсулотни амалга ошириш шартномаси доираси _____ сўм харажат қилинди, шу жумладан,
транспорт харажатлари _____ сўм.

Т/р	Республика ҳудудига кўрсатилган транспорт хизматлари тўғрисидаги ҳужжатлар номи (авиа ва темир йўл чиптаси)	Харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар (санаси, рақами)	Харажатлар суммаси (сўм)
1.			
Жами:			

Тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги тасдиқланган.

(лавозими)

(имзо)

(Ф.И.Ш.)

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “6” октябрдаги 602-сон қарорига
2-илова

**Туризм соҳасининг алоҳида субъектлари фаолияти билан боғлиқ
харажатларни қисман компенсация қилиш ва хўжалик субъектларининг
эпидемияга қарши курашиш профилактик тадбирларини
амалга оширишга йўналтирилган харажатларини
қоплашнинг вақтинчалик тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом туризм соҳаси субъектларини рағбатлантирувчи қуйидаги чора-тадбирларнинг вақтинчалик тартибини белгилайди:

жойлаштириш воситаларининг тоифа олиш ёки тоифани ошириш учун реновация, реконструкция қилиш ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича харажатларини қисман субсидиялаш;

инвесторларнинг дор йўллари қуриш ва жиҳозлаш харажатларининг бир қисмини субсидиялаш учун маблағ ажратиш;

намунавий лойиҳалар бўйича жойлаштириш воситаларини тез қуриладиган конструкциялар (ўтовлар, контейнерлар, сендвич панеллар) билан қуриш учун тадбиркорлик субъектлари харажатларининг бир қисмини қоплаш;

“Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED” тизими доирасида туризм ва ёндош инфратузилма объектларининг бино ва иншоотларида дезинфекция, дезинсекция, дератизация ҳамда юқумли касалликлар пайдо бўлишининг олдини олиш ва даражасини пасайтиришга қаратилган эпидемияга қарши курашиш профилактика тадбирларини амалга оширишга йўналтирилган хўжалик субъектларининг харажатларини қоплаш;

хорижий ошхона ёки алоҳида йўналиш бўйича ихтисослашган тематик овқатланиш шохобчалари, овқат ва озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш, шунингдек, сувенир маҳсулотларини етказиб бериш бўйича хизматларни ташкил этиш бўйича лойиҳа ташаббускорларига грантлар ажратиш;

гидлар ва туроператорлар учун янги туризм маҳсулотлари ва йўналишларини ишлаб чиқиш ва тарғиб қилиш учун компенсация ажратиш.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

давлат субсидияси – Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда – Қўмита) ва Қурилиш вазирлигининг намунали лойиҳалари асосида туризм зоналари ва республиканинг қишлоқ жойларида тадбиркорлик субъектлари томонидан тез қуриладиган конструкциялар (ўтов, контейнер, сендвич панеллари) билан жойлаштириш воситаларини қуриш харажатларининг бир қисмини, шунингдек, туризм ва ёндош инфратузилма объектларининг бино ва иншоотларида дезинфекция, дезинсекция, дератизация ҳамда юқумли касалликлар пайдо бўлишининг олдини олиш ва даражасини пасайтиришга қаратилган эпидемияга қарши курашиш профилактик тадбирларини амалга оширишга йўналтирилган харажатларини

коплаш учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобига ажратиладиган беғараз маблағлар;

субсидия – юридик шахсларнинг жойлаштириш воситаларини (кейинги ўринларда – меҳмонхона) тоифа (юлдуз) олиш ёки тоифани ошириш учун бино ва иншоотларни реконструкция қилиш ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун қилинган ишлар бўйича харажатларини, шунингдек, дор йўллари қуриш ва жиҳозлаш харажатларини қисман коплаш учун Қўмита ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) маблағлари ҳисобига ажратиладиган беғараз маблағлар;

грант – республика ҳудудларида (Тошкент шаҳри бундан мустасно) хорижий ошхона ёки алоҳида йўналиш бўйича ихтисослашган тематик овқатланиш шохобчалари, овқат ва озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш, шунингдек, сувенир маҳсулотларини етказиб бериш бўйича хизматларни ташкил этиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун тадбиркорлик субъектларига ҳамда гидлар ва туроператорлар учун янги туризм маҳсулотлари ва йўналишларини ишлаб чиқиш ва тарғиб қилиш учун Жамғарма маблағлари ҳисобига ажратиладиган беғараз маблағлар;

хўжалик субъектлари – “Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED” тизимининг хавфсиз объектлари реестрига киритилган хўжалик субъектлари.

3. Давлат субсидияси, субсидия ва грант олувчилар уларни олиш учун ҳужжатларни топшириш санасида қайта ташкил этиш ёки тугатиш жараёнида бўлмаслиги ва уларнинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда вақтинча тўxtатилган бўлмаслиги лозим.

2-боб. Меҳмонхонанинг тоифа олиш ёки оширишини субсидиялаш тартиби

4. Субсидия қонунчиликда белгиланган тартибда жойлаштириш бўйича хизматлар (меҳмонхона хизматлари) кўрсатувчи юридик шахсларга меҳмонхонага тоифа (юлдуз) олиш ёки тоифани ошириш учун меҳмонхонани реновация, реконструкция қилиш ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун қилинган ишларга ажратилади.

Меҳмонхонага тоифа (юлдуз) олиш ёки ошириш ишлари учун субсидия ажратиш 2021 йил 1 июнга қадар амалга оширилади.

5. Субсидия бир марта, қуйидаги миқдорларда ажратилади:

3 юлдузли тоифадаги меҳмонхоналарнинг ҳар бир хонаси учун 5 миллион сўм;

4 юлдузли тоифадаги меҳмонхоналарнинг ҳар бир хонаси учун 10 миллион сўм;

5 юлдузли тоифадаги меҳмонхоналарнинг ҳар бир хонаси учун 15 миллион сўм.

6. Юридик шахс субсидия ажратилиши учун Қўмитага ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шаклда субсидия олиш тўғрисидаги ариза билан ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилади.

Бунда аризаларни қабул қилиш 2021 йил 15 майга қадар, уларни кўриб чиқиш 2021 йил 1 июнга қадар амалга оширилади.

7. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридан кўчирма;

меҳмонхонанинг бинолари ва иншоотларини реновация, реконструкция қилиш ва (ёки) моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилган ишларни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;

Қўмита ҳузуридаги “Туризм хизматларини сертификатлаш маркази” ДУК томонидан тақдим этилган 3, 4 ёки 5 юлдузли меҳмонхона тоифаси кўрсатилган мувофиқлик сертификатининг нусхаси.

3-боб. Инвесторларнинг янги дор йўллари қуриш ва жиҳозлаш учун давлат субсидияси ажратиш тартиби

8. Давлат субсидияси юридик шахсларга янги дор йўллари қуриш ва жиҳозлаш харажатларини қоплаш учун ажратилади.

Шу билан бирга, давлат субсидияси йўловчи ташувчи янги дор йўллари 2023 йил 31 декабрга қадар фойдаланишга топшириш ва узунлиги бир томонга 500 метрдан кам бўлмаслик шарти билан янги дор йўллари қуриш ва жиҳозлаш бўйича дастлабки 50 та лойиҳага ажратилади.

Қўмита республика бўйича қурилган янги дор йўлларининг ҳисобини юритади ва ўзининг расмий веб-сайтида эълон қилиб боради.

9. Давлат субсидияси бир марта ажратилади ҳамда унинг миқдори ҳар 500 метр йўл учун 1 миллиард сўмни ташкил қилади.

10. Инвестор давлат субсидияси ажратилиши учун Қўмитага ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шаклда давлат субсидияси олиш тўғрисидаги ариза билан ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилади.

Бунда, аризаларни қабул қилиш 2023 йил 15 декабрга қадар ёки Қўмита томонидан расмий веб-сайтда янги дор йўлларининг сони 50 тага етганлиги эълон қилинган кунгача, уларни кўриб чиқиш эса 2023 йил 31 декабрга қадар ёки Қўмита томонидан расмий веб-сайтда янги дор йўлларининг сони 50 тага етганлиги эълон қилинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида амалга оширилади.

11. Аризага белгиланган тартибда тасдиқланган қабул комиссиясининг қурилиши тугалланган дор йўлини фойдаланишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги далолатнома нусхаси илова қилинади.

4-боб. Намунавий лойиҳалар бўйича жойлаштириш воситаларини тез қуриладиган конструкциялар (ўтовлар, контейнерлар, сендвич панеллар) билан қуриш учун тадбиркорлик субъектлари харажатларининг бир қисми қоплаш учун давлат субсидиясини ажратиш тартиби

12. Давлат субсидияси Қўмита ва Қурилиш вазирлигининг намунали лойиҳалари асосида туризм зоналари ва республиканинг қишлоқ жойларида тадбиркорлик субъектлари томонидан тез қуриладиган конструкциялар билан

(ўтов, контейнер, сендвич панеллари) жойлаштириш воситаларини куриш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун ажратилади.

13. Давлат субсидиялари ушбу турдаги жойлаштириш воситаларида жойлар сони 50 мингтага етгунга қадар ёки 2023 йил 31 декабрга қадар ажратилади.

Қўмита республика бўйича қўшимча яратилаётган тез куриладиган конструкцияли жойлаштириш воситаларидаги жойлар ҳисобини юритади ва ўзининг расмий веб-сайтида эълон қилиб боради.

14. Давлат субсидияси бир марта тез куриладиган конструкциялар билан курилган ва камида уч йил давомида фаолият юритишни таъминлайдиган жойлаштириш воситасида яратилган ҳар бир жой учун 5 миллион сўм миқдорида ажратилади.

Бунда жойлаштириш воситаси ҳар бир жой учун камида 4,5 квадрат метр майдон ажратилишини таъминлаши лозим.

15. Тадбиркорлик субъектлари давлат субсидияси ажратилиши учун Қўмитага ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шаклда субсидия олиш тўғрисидаги ариза билан ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилади.

Бунда аризаларни қабул қилиш 2023 йил 15 декабрга қадар ёки Қўмита томонидан расмий веб-сайтда ушбу турдаги жойлаштириш воситаларида жойлар сони 50 мингтага етганлиги эълон қилинган кунгача, уларни кўриб чиқиш эса 2023 йил 31 декабрга қадар ёки Қўмита томонидан расмий веб-сайтда ушбу турдаги жойлаштириш воситаларида жойлар сони 50 мингтага етганлиги эълон қилинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида амалга оширилади.

16. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

эгалик қилиш/доимий эгалик қилиш/доимий фойдаланиш/муддатли (вактинча) фойдаланиш/ижарага олиш ва мулк ҳуқуқи/мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида ер участкасига эгалигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;

Қўмита ҳузуридаги “Туризм хизматларини сертификатлаш маркази” ДУК томонидан тақдим этилган сертификат нусхаси.

5-боб. Хўжалик субъектларига дезинфекция, дезинсекция, дератизация ҳамда юқумли касалликлар пайдо бўлишининг олдини олиш ва даражасини пасайтиришга қаратилган эпидемияга қарши курашиш профилактик тадбирларини амалга оширишга йўналтирилган харажатларини қоплаш тартиби

17. Давлат субсидияси “Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED” тизимининг хавфсиз объектлари реестрига киритилган хўжалик субъектларига дезинфекция, дезинсекция, дератизация ҳамда юқумли касалликлар пайдо бўлишининг олдини олиш ва даражасини пасайтиришга қаратилган эпидемияга қарши курашиш профилактик тадбирларини амалга оширишга йўналтирилган харажатларини тўлиқ қоплаш учун ажратилади.

18. Хўжалик субъекти давлат субсидиясини олиш учун Қўмига ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шаклда давлат субсидиясини олиш тўғрисидаги ариза билан ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилади.

Бунда аризаларни қабул қилиш 2020 йил 15 декабрга қадар, уларни кўриб чиқиш 2020 йил 31 декабрга қадар амалга оширилади.

19. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

санитария-эпидемиология хизмати ташкилотлари томонидан дезинфекция, дезинсекция, дератизация ҳамда юкумли касалликлар пайдо бўлишининг олдини олиш ва даражасини пасайтиришга қаратилган эпидемияга қарши курашиш профилактик тадбирлари амалга оширганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (шартнома нусхаси, тўлов чеклари/квитанцияси);

санитария-эпидемиология хизмати ташкилотлари томонидан тегишли хизмат кўрсатилган объектнинг “Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED” тизимининг хавфсиз объектлари реестрига киритилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси.

6-боб. Хорижий ошхона ёки алоҳида йўналиш бўйича ихтисослашган тематик овқатланиш шохобчалари, овқат ва озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек, сувенир маҳсулотларини етказиб бериш бўйича хизматларни ташкил этиш бўйича лойиҳа ташаббускорларига грант ажратиш тартиби

20. Тадбиркорлик субъектларига қуйидагиларни ташкил қилиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун грант шаклида пул маблағлари ажратилади:

республика ҳудудларида (Тошкент шаҳри бундан мустасно) овқат етказиб бериш хизматига эга хорижий ошхона ёки алоҳида йўналиш бўйича ихтисослашган тематик овқатланиш шохобчаларини ташкил қилиш;

овқат ва озиқ-овқат ёки сувенир маҳсулотларини етказиб бериш бўйича хизматларни ташкил этиш.

21. Грант битта лойиҳа учун 100 млн сўмгача бўлган миқдорда ажратилади, бунда грант миқдори лойиҳа қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

22. Тадбиркорлик субъектлари грант ажратилиши учун Қўмига ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклда ариза билан ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилади.

Бунда аризаларни қабул қилиш 2021 йил 15 декабрга қадар, уларни кўриб чиқиш 2021 йил 31 декабрга қадар амалга оширилади.

23. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

а) ариза берувчининг номи, СТИР, ҳисоб рақами ва банк реквизитлари кўрсатиб ўтилган ҳолда тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтган гувоҳнома нусхаси;

б) санитария ва ёнғин хавфсизлиги устидан масъул ваколатли органлар томонидан берилган хулоса ва далолатнома нусхаси (овқатланиш шохобчалари учун);

в) ходимларнинг (ошхона ишчилари, официант ва бошқалар) тиббиёт дафтарчалари (овқатланиш шохобчалари учун).

24. Грант маблағларини олиш учун тематик овқатланиш шохобчалари куйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- а) хорижий ошхона ёки алоҳида йўналишга ихтисослашган бўлиши;
- б) камида битта ҳудуд (туман ёки вилоят маркази) доирасида овқатни етказиб бериш хизматига эга бўлиши;
- в) бинога қулай автомобиль ва пиёда кириш йўлларига, зарур ахборот кўрсаткичларига эга бўлиши;
- г) бинога ёндош ҳудуд ободонлаштирилганлиги ва тунги вақтда ёритилиши;
- д) бинонинг ва унда қўлланилаётган техник жиҳоз ва ускуналар мос равишда архитектура-қурилиш нормалари ва техник меъёрларга жавоб бериши;
- е) камида икки хорижий тилдаги турли дизайндаги овқат таомномаси (менюси) ва вино (ва/ёки чой, кофе, десерт) карталарига эга бўлиши.

25. Ҳар бир объектга грант олиш учун алоҳида ариза топширилади.

26. Грант маблағларини олиш учун етказиб бериш хизматлари куйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- а) овқат ва озик-овқат ёки сувенир маҳсулотлари етказиб беришга ихтисослашган бўлиши (бунда бошқа турдаги товарларни ҳам етказиш билан шуғулланиш мумкин);
- б) товарларни буюртма қилиш ва сотиб олиш учун фаолият юритувчи онлайн портал ва унинг мобил иловасига эга бўлиши;
- в) камида битта ҳудуд доирасида (Қорақалпоғистон Республикаси ёки вилоят) товарларни етказиб бериши.

7-боб. Янги туризм маҳсулотлари ва йўналишларини ишлаб чиқиш ва тарғиб қилиш учун гидлар ва туроператорларга грант ажратиш тартиби

27. Грантлар гидлар (гид-таржимон) (кейинги ўринларда – гид) ва туроператорларга янги туризм маҳсулотлари ва йўналишларини ишлаб чиқиш ҳамда тарғиб қилишга йўналтирилган харажатларини қоплаш учун куйидаги ҳажмларда ажратилади:

гидларга – ишлаб чиқиш учун 5 миллион сўм,

туроператорларга – турларни реклама ва сотиш учун 10 миллион сўм.

28. Туроператор ва гидлар грант ажратилиши учун Қўмитага ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклда ариза билан ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилади.

Бунда аризаларни қабул қилиш 2021 йил 15 декабрга қадар, уларни кўриб чиқиш 2021 йил 31 декабрга қадар амалга оширилади.

29. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

а) туроператор фаолияти хизматларини амалга ошириш ҳукукини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ёки гиднинг малакасини тасдиқловчи малака сертификати ёхуд вақтинчалик меҳнат гувоҳномаси;

б) тур ёки экскурсиянинг асосланган харажатларни ўз ичига олган технологик харитаси;

в) янги туризм маҳсулотлари ва йўналишларини, шу жумладан, бутунжаҳон Интернет ахборот тармоғи орқали тарғиб қилиш режаси (туроператорлар учун).

30. Лойиҳалар қуйидагиларга йўналтирилган бўлиши лозим:

а) янги туризм хизматлари (маҳсулотлари) турларини диверсификация қилиш;

б) янги туризм турларини ривожлантириш доирасида аввал фойдаланилмаган туризм объектлари (жойлаштириш воситаларидан ташқари) ва ресурсларини монетизация қилиш;

в) янги туризм объектида сервис хизматлари ва инфратузилмани ривожлантириш;

г) туризм хизматларини кўрсатиш соҳасига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш;

д) янги туризм объектларига туристларнинг ташрифини таъминлаш;

е) қўшимча (янги) иш жойларини яратиш.

31. Қўмита туроператор ва гидлар томонидан ишлаб чиқилган янги туризм маҳсулотлари ва йўналишларини, шу жумладан, оммавий ахборот воситаларида кенг тарғиб қилиш ҳукукига эга.

8-боб. Давлат субсидияси ва субсидия олишга ариза топшириш тартиби

32. Давлат субсидияси ва субсидия олиш учун ариза берувчилар Қўмитага мурожаат қилади.

33. Қўмита ариза тушган кундан бошлаб, 10 иш куни мобайнида унинг ушбу Низомда белгиланган талабларга мослигини ўрганиб чиқади.

34. Аризани кўриб чиқишда қўшимча ўрганишлар ўтказиш талаб этилса, Қўмита ариза берувчини ёзма шаклда ёки электрон ахборот тизими орқали хабардор қилади ҳамда аризани ўрганиб чиқишни қўшимча 10 иш кунига узайтириши мумкин.

Бунда қўшимча ўрганиш ҳудудларга чикиб ўрганиш зарурати туғилганда амалга оширилади.

35. Қўмита аризани ўрганиб чикиб бир иш кунида давлат субсидияси ва субсидия ажратиш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади ва ушбу қарор нусхасини ариза берувчига қарор қабул қилинган куни юборади.

36. Давлат субсидияси ва субсидия ажратиш рад этилган тақдирда, рад этиш учун асос бўлган сабаблар аниқ кўрсатиб ўтилган рад этиш тўғрисидаги қарор

ариза берувчига ушбу қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир иш кунида юборилади.

Ариза берувчи қарорни олган кундан бошлаб кўпи билан бир ой давомида кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиши ва уларнинг бартараф этилганини тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда Қўмитага такроран ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

37. Давлат субсидияси ва субсидия бериш ушбу Низомда кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар ва маълумотлар тўлиқ ҳажмда тақдим қилинмаганлиги, шунингдек ариза берувчининг кўрсатилган талабларга жавоб бермаслиги сабабларига кўра рад этилиши мумкин.

Давлат субсидияси ва субсидия беришни ушбу Низомда кўрсатиб ўтилмаган асослар бўйича рад этиш мумкин эмас.

38. Ариза такроран тақдим этилган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида Қўмита томонидан қайта кўриб чиқилади.

Бунда, янги асослар бўйича давлат субсидияси ва субсидия беришни рад этиш мумкин эмас.

39. Ушбу Низомнинг 36-банди иккинчи хатбошисида кўрсатилган муддат тугагандан кейин тақдим қилинган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади.

9-боб. Грантлар учун берилган аризаларни кўриб чиқиш тартиби

40. Грант олиш учун берилган аризаларни кўриб чиқиш ва маблағ ажратиш тўғрисида қарор қабул қилиш мақсадида Комиссия шакллантирилади. Комиссия таркиби Қўмита раисининг буйруғи билан тасдиқланади.

41. Комиссия таркибига Қўмита ходимлари билан бир қаторда тегишли нодавлат нотижорат ташкилотлар, илмий-тадқиқот муассасалари вакиллари ҳамда соҳа мутахассислари киритилиши мумкин.

42. Комиссия фаолияти очиклик, ҳолис баҳолаш, талабларнинг умумийлиги ва тенглик тамойиллари, масалаларни коллегиял муҳокама қилиш ва қарор қабул қилиш асосида олиб борилади.

43. Комиссия қарори Комиссия таркибининг камида учдан икки қисми иштирок этганда ҳақиқий ҳисобланади. Комиссия қарори кўпчилик овоз олиш йўли қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда Комиссия раисининг овози ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Комиссиянинг ишчи органи Қўмита ҳисобланади.

44. Комиссия фаолияти очиклигини таъминлаш мақсадида унинг йиғилишларида оммавий ахборот воситалари вакиллари, тадбиркорлик субъектлари ва бошқа давлат органлари вакиллари иштирок этишлари мумкин.

45. Комиссия ишчи органи:

Комиссия аъзоларини зарур маълумотлар билан таъминлайди;

грант олиш учун аризалар, лойиҳалар ва бошқа тегишли материалларни қабул қилади;

комиссия йиғилиши баённомалари ва қарорларини тайёрлайди;

грант олиш учун ариза берувчиларнинг йиғилишларда иштирокини ва тақдимотларини ташкил қилади.

46. Комиссия:

тушган аризаларнинг ушбу Низом талабларига мувофиқлигини ўрганиб чиқади;

Қўмитанинг Молия-иқтисодиёт бошқармаси билан келишган ҳолда лойиҳанинг қийматини белгилайди;

маблағ ажратиш тўғрисида қарор қабул қилади ва Қўмитага тақдим қилади.

47. Комиссия йиғилишлари ва қабул қилган қарорлари барча йиғилиш аъзолари имзолаган баённома билан тасдиқланади.

48. Комиссия йиғилишларида зарур ҳолларда грант маблағи ажратилиши кўриб чиқиладиган лойиҳа ташаббускорлари иштирок этишлари мумкин.

49. Комиссия ариза тушган кундан бошлаб ўн иш куни мобайнида маблағ ажратиш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади ва ушбу қарор нусхасини ариза берувчига қарор қабул қилинган куни юборади.

50. Аризани кўриб чиқишда қўшимча ўрганишлар ўтказиш талаб этилса, Комиссия ариза берувчини ёзма шаклда ёки электрон ахборот тизими орқали хабардор қилади ҳамда аризани ўрганиб чиқишни қўшимча 10 иш кунига узайтириши мумкин.

Бунда қўшимча ўрганиш лойиҳани ҳудудларга чиқиб ўрганиш зарурати туғилганда амалга оширилади.

51. Грант ажратиш рад этилган тақдирда, рад этиш учун асос бўлган сабаблар аниқ кўрсатиб ўтилган рад этиш тўғрисидаги қарор ариза берувчига ушбу қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир иш кунида юборилади.

Ариза берувчи қарорни олган кундан бошлаб кўпи билан бир ой давомида кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиши ва уларнинг бартараф этилганини тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда Комиссияга такроран ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

52. Грант бериш ушбу Низомда кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар ва маълумотлар тўлиқ ҳажмда тақдим қилинмаганлиги, шунингдек, ариза берувчининг кўрсатилган талабларга жавоб бермаслиги сабабларига кўра рад этилиши мумкин.

Грант беришни ушбу Низомда кўрсатиб ўтилмаган асослар бўйича рад этиш мумкин эмас.

53. Ариза такроран тақдим этилган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида Комиссия томонидан қайта кўриб чиқилади.

Бунда янги асослар бўйича грант беришни рад этиш мумкин эмас.

10-боб. Давлат субсидияси, субсидия ва грант ажратиш тартиби

54. Давлат субсидиясини ажратиш учун Қўмита қарор қабул қилгандан сўнг бир иш кунида Молия вазирлигига юридик шахс ва хўжалик субъекти

тўғрисидаги маълумотлар ва ажратилаётган маблағлар ҳисоб-китоби акс эттирилган буюртманомани тақдим этади.

55. Молия вазирлиги Қўмита томонидан тақдим этилган буюртманомани уч иш кунида кўриб чиқади ва тегишли маблағларни Қўмитанинг шахсий ғазна ҳисобварақларига ўтказиши.

Бунда юридик шахслар ва ҳўжалик субъектларига субсидия ажратиш учун Молия вазирлиги томонидан Қўмитага белгиланган тартибда шахсий ғазна ҳисобварақлари очилади.

56. Маблағлар тушганидан сўнг Қўмита беш иш кунида юридик шахслар ва ҳўжалик субъектларининг уларга хизмат кўрсатувчи тижорат банкларидаги ҳисобрақамларига маблағларни ўтказиши.

57. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағларнинг ажратилиши ҳамда юридик шахслар ва ҳўжалик субъектларига етказилишини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти назорат қилади.

58. Субсидия ва грант Жамғармадан ажратилади ва Қўмита томонидан ариза берувчиларнинг хизмат кўрсатувчи тижорат банкларидаги ҳисобрақамларига ўтказилади.

Бунда грант маблағларини ариза берувчилар ҳисобрақамларига ўтказиб бериш Комиссия қарорлари асосида амалга оширилади.

59. 3, 4 ёки 5 юлдузли тоифага эга бўлган меҳмонхона учун субсидия ажратилган даврдан бошлаб 3 йилдан кам бўлмаган муддатда меҳмонхонанинг камида ушбу тоифага эгаллиги таъминланиши лозим, акс ҳолда ажратилган субсидия Давлат бюджетига қайтарилади.

Ушбу талабга меҳмонхона томонидан риоя этилиш устидан мониторинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти ва Қўмита томонидан амалга оширилади. Ушбу талаб таъминланмаган тақдирда Қўмита томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаментига тақдимнома киритилади ва ажратилган субсидия ушбу департаменти томонидан белгиланган тартибда меҳмонхонадан Давлат бюджетига қайтарилади.

Бунда меҳмонхона 5 юлдузли тоифадан 4 юлдузли тоифага ҳамда 4 юлдузли тоифадан 3 юлдузли тоифага ўтганда ажратилган субсидия тўлиқ эмас, балки икки тоифа учун белгиланган маблағлар ўртасидаги фарқ Жамғармага қайтарилади.

11-боб. Яқунловчи қондалар

60. Давлат субсидияси, субсидия ва грант олиш учун тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг тўғрилигига ариза берувчи масъул ҳисобланади.

61. Қўмита давлат субсидияси, субсидия ва грант тақдим этиш ишларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва мониторинг олиб бориш, Давлат бюджетини ва Жамғармадан ажратилган маблағларнинг етказилиши юзасидан масъул ҳисобланади.

62. Давлат субсидияси, субсидия ва грант маблағлари тадбиркорлик субъектларига ўтказилиши устидан назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти томонидан амалга оширилади.

63. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Туризм соҳасининг алоҳида субъектлари фаолияти
билан боғлиқ харажатларни қисман компенсация
қилиш ва ҳўжалик субъектларининг эпидемияга қарши
курашиш профилактик тадбирларини амалга
оширишга йўналтирилган харажатларини қоплашнинг
вақтинчалик тартиби тўғрисидаги Низомга
I-илова

Ўзбекистон Республикаси Туризмни
ривожлантириш давлат қўмитасига

Субсидия олиш учун
АРИЗА

_____ ,
(юридик шахснинг рўйхатга олиш тўғрисидаги гувоҳномага кўра ариза берувчининг тўлиқ номи)

_____ ,
(манзил, телефон, факс, электрон почта)

_____ манзили бўйича рўйхатга олинган,

_____ ,
(рўйхатга олиш рақами, санаси, гувоҳномани берган орган)

_____ номидан

_____ ,
(ариза берувчининг лавозими, Ф.И.О.)

тез қуриладиган конструкциялар билан жойлаштириш воситаларини қуриш/дезинфекция,
дезинсекция, дератизация ҳамда юқумли касалликлар пайдо бўлишининг олдини олиш ва даражасини
пасайтиришга қаратилган эпидемияга қарши курашиш профилактик тадбирларини амалга
ошириш/меҳмонхона биноси ва иншоотларини реконструкция қилиш ва моддий-техника базасини
янгилаш бўйича амалга оширилган ишлар/янги дор йўллари қуриш ва жиҳозлаш учун
йўналтирилган харажатларнинг бир қисmini қоплаш мақсадида Давлат бюджети/Туризмни
ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш
жамғармасидан субсидия ажратилишини сўрайман.

_____ ,
(вилоят, туман, шаҳар, (кўча, бино рақами)

_____ манзили бўйича жойлашган

Жой сони/меҳмонхона номери/дор йўли узунлиги:

_____ Мувофиқлик сертификати рақами ва берилган санаси:

_____ Ташкилотнинг почта манзили:

_____ СТИР:

_____ Электрон почта манзили:

_____ Ҳисоб рақами / банк реквизитлари:

Илова: _____ варақда.

_____ ,
(ариза берувчи лавозими, Ф.И.О.)

_____ ,
(шахсий имзо)

20 ____ йил ____

Туризм соҳасининг алоҳида субъектлари фаолияти билан боғлиқ харажатларни қисман компенсация қилиш ва хўжалик субъектларининг эпидемияга қарши курашиш профилактик тадбирларини амалга оширишга йўналтирилган харажатларини қоплашнинг вақтинчалик тартиби тўғрисидаги Низомга
2-илова

Ариза

_____ (ариза берувчининг номи)

грант олиш учун

20__ й. «__» _____

1. Сўралаётган молиявий маблағлар орқали эришиш кўзда тутилган мақсадлар.
2. Сўралаётган грант миқдори:
3. Сўралаётган маблағларнинг асосланган ҳисоб-китоби, жорий йил учун тадбирлар режаси ва молиявий режа;
4. Олинган грантдан фойдаланиш орқали олинадиган иқтисодий самара.

Имзо, сана

Ф.И.О.

* Аризага грант ажратиш масаласини кўриб чиқиш зарур бўлган тегишли ҳисоб-китоблар, материаллар ва ҳужжатлар илова қилинади (мақсадлардан келиб чиқиб: шартномалар, лойиҳалар ва сметалар, сертификат ва лицензиялар)

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 6 октябрдаги 602-сон қарорига
3-илова

**Туризм ва ёндош инфратузилма объектлари ҳамда туристик хизматларни
санитар-гигиеня жиҳатдан хавфсиз хизмат кўрсатиш талаблари
асосида сертификатлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қондалар

1. Ушбу Низом жойлаштириш воситалари, транспорт, умумий овқатланиш объектлари ва кўнгилочар, маърифий, ишбилармонлик, жисмоний тарбия-спорт объектлари ҳамда туристик хизматларни санитария-гигиена жиҳатидан хавфсиз хизмат кўрсатиш талаблари асосида сертификатлаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

сертификатлаш объектлари – жойлаштириш воситалари, транспорт, умумий овқатланиш объектлари ва уларда кўрсатилаётган хизматлар, кўнгилочар, маърифий, ишбилармонлик, жисмоний тарбия-спорт ҳамда туристларга хизмат кўрсатувчи бошқа объектлар, туристик фаолиятни амалга оширувчи ташкилотлар, экскурсия хизматлари кўрсатувчи ташкилотлар мажмуи;

ариза берувчи – сертификатлаш объектини санитария-гигиена жиҳатидан хавфсиз хизмат кўрсатиш талаблари асосида сертификатлашга ариза берган шахс;

сертификат эгаси – сертификат берилган шахс;

сертификатлаш – сертификатлаш объектининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларларда белгиланган талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш бўйича фаолият;

санитария-гигиена жиҳатидан хавфсиз хизмат кўрсатиш талаблари – санитария-гигиена жиҳатидан хавфсизликни таъминлаш бўйича ваколатли идоралар томонидан белгиланган меъёрлар асосида кўриладиган чоралар мажмуи;

“Ўзбекистон. Хавфсиз саёҳат кафолатланган” (“Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED”) махсус танитиш белгиси – туризм ва ёндош инфратузилма объектлари ҳамда туристик хизматларда санитария-гигиена жиҳатидан хавфсиз хизмат кўрсатиш талабларининг жорий этилгани ва мавжудлигини тасдиқловчи сифат ва хавфсизлик белгиси;

“Ўзбекистон. Хавфсиз саёҳат кафолатланган” (“Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED”) тизимининг хавфсиз объектлар ягона реестри (кейинги ўринларда – Реестр) – барча сертификатлаш объектлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси ўтказиш пунктлари, авиа, темир йўл ва автовокзаллар ва давлат тасарруфидаги моддий маданий мерос объектлари, музейлар, театрлар ҳамда юритилиши Ўзбекистон Республикаси Туризмни

ривожлантириш давлат кўмитаси томонидан амалга ошириладиган бошқа маданият объектлари тўғрисидаги маълумотларнинг ахборот базаси.

“Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED” тизими бўйича менежер (UzSTG менежери) – сертификатлаш объекти мижозлари ва ходимларининг умумий санитария-гигиена ва эпидемиологияга қарши талаблар ҳамда шахсий гигиена қоидаларига риоя қилишларини назорат қилиш ходимларнинг ўрта ёки юқори таркибидаги масъул ходим.

3. Сертификатлаш объектини санитария-гигиена жихатидан хавфсиз хизмат кўрсатиш талаблари асосида сертификатлаш ихтиёрий равишда амалга оширилади.

4. Сертификатлаш объектини санитария-гигиена жихатидан хавфсиз хизмат кўрсатиш талаблари асосида сертификатлаш Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси ҳузуридаги “Туризм хизматларини сертификатлаш маркази” ДУК (кейинги ўринларда – Марказ) томонидан амалга оширилади.

5. “Ўзбекистон. Хавфсиз саёҳат қафолатланган” (“Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED”) махсус танитиш белгисидан фойдаланишга фақатгина ушбу Низомга мувофиқ Реестрга киритилган объектларга рухсат берилади. Ундан бошқа объектлар томонидан фойдаланиш қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

6. Сертификатлаш объектларида UzSTG тизимини жорий қилиш учун санитария-гигиена жихатидан хавфсиз хизмат кўрсатиш бўйича малака сертификатига эга масъул шахс тайинланган бўлиши лозим

2-боб. Сертификатлаш тартиби

7. Сертификатлаш ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади ва қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

ариза берувчи томонидан ушбу Низомга 2 ва 3-иловаларга мувофиқ сертификатлаш учун ариза (кейинги ўринларда – ариза) ва унга илова қилинган ҳужжатларлар ва маълумотларни юбориш;

сертификатлашни ўтказишга шартнома тузиш;

ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларлар ва маълумотларни ўрганиб чиқиш;

ўрганишнинг ижобий натижасига кўра сертификатни расмийлаштириш, уни рўйхатдан ўтказиш ва бериш;

сертификатланган объектларни Реестрга киритиш.

8. Сертификатлаш объектини санитария-гигиена жихатидан хавфсиз хизмат кўрсатиш талаблари асосида сертификатлаш учун аризага қуйидагилар илова қилинади:

ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ санитария-гигиена жихатидан хавфсиз хизмат кўрсатиш талаблари бажарилганлигини тасдиқловчи маълумотлар;

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси хузуридаги Туризмни ривожлантириш институти томонидан берилган ариза берувчи ходимларнинг санитария-гигиена жиҳатидан хавфсиз хизмат кўрсатиш бўйича малака сертификати нусхаси.

9. Санитария-гигиена жиҳатидан хавфсиз хизмат кўрсатиш талаблари асосида сертификатлашни амалга ошириш учун ариза берувчи Марказга электрон шаклда Марказнинг расмий веб-сайти орқали ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларлар ва маълумотларни юборади.

10. Сертификатлашга ариза қабул қилинган тақдирда у қабул қилинган куннинг ўзида Марказ ва ариза берувчи ўртасида сертификатлашни ўтказиш бўйича шартнома тузилади.

Сертификатлаш бўйича ишларга ҳақ тўлаш шартнома шартларига асосан ариза берувчи томонидан амалга оширилади.

Сертификатлаш бўйича ишлар (хизматлар) нархи базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараварини ташкил қилади.

11. Сертификатлаш бўйича ишларга ҳақ тўлангандан сўнг бир иш куни мобайнида Марказ аризани ва унга илова қилинган ҳужжатларлар ва маълумотларни ўрганиб чиқади ва сертификат бериш тўғрисида қарор қабул қилади ёки ариза берувчига асосланган рад жавоби юборади.

12. Сертификат беришни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

ушбу Низомнинг 8-бандида кўрсатилган ҳужжатлар ва маълумотлар тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим қилинганда;

Сертификатлаш аризасига илова қилинган ҳужжатлар ва маълумотларнинг сохталиги ёки нотўғрилиги аниқланганда.

13. Сертификат бериш рад этилган тақдирда ариза берувчи рад жавобини бериш учун асос бўлган камчиликларни бартараф қилгандан сўнг бир ой муддатда аризани қайта тақдим қилиш ҳуқуқига эга. Қайта кўриб чиқиш вақтида сертификатлаш ишлари учун қайта тўлов тўланмайди.

3-боб. Сертификат бериш ва уни Реестрга киритиш

14. Сертификат бланкаси қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш рақами ва химояланганлик даражасига эга бўлади, бланкалар Марказга бланкаларни зарур миқдорда Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси буюртмасига биноан “Давлат белгиси” давлат-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан тайёрланади, зарур миқдорда Марказга етказилади ва унда сақланади.

15. Марказ ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар ва маълумотларни ўрганишнинг ижобий натижасига асосан қабул қилинган қарорга мувофиқ бир иш куни мобайнида ушбу Низомга 4-иловага биноан сертификатни расмийлаштиради ва уни рўйхатдан ўтказиши.

Марказ ариза берувчининг тегишли тарзда ваколат берилган вакилига сертификатни имзолаб беради.

Ариза берувчининг хоҳишига кўра сертификат QR-код санокли тизимидан фойдаланган ҳолда электрон шаклда жўнатилиши мумкин.

16. Сертификатнинг амал қилиш муддати у рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб 12 ойни ташкил қилади.

17. Марказ сертификатни расмийлаштириб берган куннинг ўзида сертификатлаш объекти тўғрисидаги маълумотларни Реестрга киритади ва ариза берувчига ушбу Низомга 5-иловага мувофиқ шаклда “Ўзбекистон. Хавфсиз саёҳат кафолатланган” (“Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED”) маҳсус танитиш белгисини тақдим қилади.

18. Реестрни юритиш қуйидагиларни назарда тутди:

ушбу Низомга 6-иловага мувофиқ объектлар тўғрисидаги маълумотларни маълумотлар базасига киритиш;

маълумотлар базасини бутунжаҳон Интернет ахборот тармоғида онлайн режимида янгилаб туриш.

19. Реестр электрон шаклда юритилади ва Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

20. Сертификат эгаси:

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларлар ва ушбу Низом талабларига риоя қилиши;

барча манфаатдор шахслар учун сертификат билан бемалол танишиш имкониятини таъминлаши;

ўз сертификатини қўллаш ҳуқуқини учинчи шахсларга бермаслиги;

фаолиятни тўхтатиш, қайтадан ташкил этиш ёки жойлашган жойини ёки хизмат кўрсатиш жойини ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб ўттиз кун давомида сертификатнинг асл нусхасини илова қилган ҳолда Марказга ёзма хабар бериши лозим.

Сертификат эгаси фаолияти тугатилган, вақтинча тўхтатилган ва қайтадан ташкил этилган тақдирда сертификатнинг ҳам амал қилиши тўхтатилади.

4-боб. Сертификатланган объектнинг инспекция назорати

21. Реестрга киритилган сертификатланган объектнинг (кейинги ўринларда – объект) сертификатлаш вақтида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларларда белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш мақсадида инспекция назорати Марказ томонидан 12 ойда 1 марта (режага мувофиқ оғохлантирган ҳолда) олиб борилади.

22. Марказ инспекция назоратини ўтказиш даврини белгилайди ва Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси веб-сайтида инспекция назоратини ўтказиш режасини жойлаштиради. Инспекция назоратини ўтказиш муддати 2 иш кунини ташкил қилади.

23. Режага асосан инспекция назоратини ўтказиш учун Марказ раҳбарининг буйруғи билан комиссия таркиби, инспекция назоратини ўтказиш муддати ва дастури тасдиқланади.

Инспекция назоратини ўтказиш комиссияси таркибига соҳага оид нодавлат нотижорат ташкилот вакиллари киритилиши мажбурийдир.

24. Реестрга киритилган объектлар томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларларда белгиланган талабларга мувофиқлигини аниқлаш мақсадида навбатдан ташқари инспекция назорати:

“яширин харидор” принципи бўйича хизматлардан фойдаланиш орқали;

Реестрга киритилган объектлар хизматидан фойдаланувчиларнинг интернет тармоғида объект тўғрисида қолдирган фикрларини таҳлил қилиш, зарур бўлганда қолдирилган фикрларни кейинчалик қайта текшириш орқали ўтказилади.

25. Комиссия ўтказилган инспекция назорати натижалари бўйича 2 кун муддатда объект маъмуриятига ва Марказга маълумот ва ҳужжатларларни тақдим этади.

Инспекция назорати натижалари салбий бўлганда, бу тўғрисида далолатномада кўрсатиб ўтилади ва Комиссия томонидан Марказга сертификатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида таклиф киритилади.

26. Марказ 1 иш куни мобайнида Комиссия таклифига кўра сертификатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилади, бу тўғрисида Реестрга маълумотлар киритади ва сертификат эгасига билдиришнома юборади.

27. Инспекция назорати далолатномасида кўрсатилган камчиликлар объект томонидан бартараф этилган тақдирда Марказ тақдим этилган ҳужжатларлар ва жойида ўрганиш асосида 1 иш куни мобайнида олдин тузилган далолатномага қўшимча далолатнома тузади ва объектга расмийлаштирилган сертификатнинг амал қилишини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

5-боб. Якунловчи қондалар

28. Ариза берувчилар ва сертификат эгалари улар томонидан тақдим қилинган аризалар ва уларга илова қилинган ҳужжатларлар ва маълумотларда кўрсатиб ўтилган ахборотларнинг ишончлилиги учун жавоб берадилар.

29. Марказ ўз фаолиятини амалга ошириш натижасида олинган, ариза берувчи ва сертификат эгаси тўғрисидаги махфий маълумотларнинг сақланишини таъминлаши керак.

30. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларларига мувофиқ жавоб берадилар.

Туризм ва ёндош инфратузилма объектлари
ҳамда туристик хизматларни санитар-
гигиеня жihatдан хавфсиз хизмат кўрсатиш
талаблари асосида сертификатлаш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-илова

**Туризм ва ёндош инфратузилма объектлари ҳамда туристик хизматларни
техник жihatдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларлар
талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш бўйича
СЕРТИФИКАТЛАШ СХЕМАСИ**

Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
Ариза берувчи	Ушбу Низомга 2 ва 3-иловаларга мувофиқ Сертификатлаш учун электрон шаклда Марказ расмий веб-сайти орқали ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар ва маълумотларни юборади.	Ариза берувчининг хоҳишига кўра
Сертификатлаш органи	Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар ва маълумотларни ўрганиб чиқади ҳамда ариза берувчи ўртасида сертификатлашни ўтказиш бўйича шартнома тузади ва юборади.	1 иш куни мобайнида
Аризачи	Шартнома бўйича сертификатлаш ишларига ҳақ тўлайди.	Шартномада белгиланган муддатда
Сертификатлаш органи	Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар ва маълумотларни ўрганиб чиқади, сертификатни расмийлаштиради, уни рўйхатдан ўтказиш ва сертификатни беради. Сертификатланган объектларни ягона реестрга киритади.	1 иш куни мобайнида

Туризм ва ёндош инфратузилма объектлари
ҳамда туристик хизматларни санитар-
гигиения жиҳатдан хавфсиз хизмат кўрсатиш
талаблари асосида сертификатлаш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-илова

«ТУРИЗМ ХИЗМАТЛАРИНИ СЕРТИФИКАТЛАШ МАРКАЗИ» ДУК

Сертификатлаш учун
АРИЗА

1. _____,
(шахсни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномага биноан ариза берувчининг тўлиқ номи)
_____ манзил бўйича рўйхатдан ўтган
(манзил, телефон, факс, электрон почта)

тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтиш тўғрисида гувоҳнома:

_____ (рўйхатдан ўтиш рақами, сана, гувоҳномани берган орган номи)

_____ шахс номидан,
(ариза берувчи раҳбарининг лавозими, Ф.И.О.)

_____ манзил бўйича туристларга
(вилоят, туман, шаҳар, кўча, бино рақами)

кўрсатиладиган қуйидаги соҳаларда:

а) жойлаштириш воситаси: _____
(жойлаштириш воситасининг тури ва номи, номер ва жойлар миқдори)

б) автотранспорт хизматлари: _____
(транспорт воситаси сони, тури ва давлат рақами)

в) умумий овқатланиш объекти: _____
(овқатланиш объекти тури ва жойлар сони)

г) бошқа туристик объект: _____
(объект тури)

_____ (мулк мақоми тўғрисида ҳужжатлар/ижара шартномаси бўйича фойдаланилади)

хизматлари _____
(техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларлар)

_____ да белгиланган талабларга мувофиқлигини
маълум қилади ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларларга ушбу
хизматларнинг мувофиқлигини сертификатлашни сўрайди;

2. Сертификатлашни ўтказишда иштирок этадиган ариза берувчининг жавобгар шахси

_____ (лавозими, Ф.И.О., телефон рақами, электрон почта)

3. Ариза берувчи сертификатлашнинг қонунчилик томонидан белгиланган барча шартларини
бажариши ва сертификатлашни ўтказиш бўйича барча харажатларни тўлаши лозим.

4. Аризага зарур ҳужжатларлар ва маълумотлар _____ варақда илова қилинади.

_____ (ариза берувчи раҳбарининг лавозими, Ф.И.О.)

_____ (имзо)

20 ____ йил _____
(сана)

Туризм ва ёндош инфратузилма объектлари
хамда туристик хизматларни санитар-
гигиения жиҳатдан хавфсиз хизмат кўрсатиш
талаблари асосида сертификатлаш тартиби
тўғрисидаги низомга
3-илова

**Сертификатлаш объектини санитария-гигиена жиҳатидан хавфсиз хизмат кўрсатиш
талабларини бажарганлигини тасдиқловчи маълумотлар**

(сертификатлаш объектининг номи)			
Т/р	Техник жиҳатдан тартибга солин ш соҳасидаги норматив хужжатларлар талаблари	Техник жиҳатдан тартибга солин ш соҳасидаги норматив хужжатларларнинг бажарилганлиги тўғрисида маълумот	Тасдиқловчи хужжат ва маълумотлар
1.	2.	3.	4

Ташкилот раҳбари: _____
(шахсий имзо)

_____ (Ф.И.О.)

20__ йил _____
(сана)

Туризм ва ёндош инфратузилма объектлари
ҳамда туристик хизматларни санитар-
гигиеня жиҳатдан хавфсиз хизмат кўрсатиш
талаблари асосида сертификатлаш тартиби
тўғрисидаги низомга
4-илова

(бланкнинг босмаҳона рақами)

Ўзбекистон Республикаси
сертификатлаш миллий тизими
Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси
«Туризм хизматларини сертификатлаш маркази» ДУК
СЕРТИФИКАТИ

(мувофиқлик белгиси)

Рўйхатдан ўтказиш рақами

№: _____
рўйхатга олиш санаси: _____
_____ гача амал қилади.

_____ манзилда жойлашган,
(сертификат эгасининг номи ва манзили)

_____ (сертификатлаш объекти номи ва тури)

_____ томонидан кўрсатилаётган
(сертификат эгасининг номи ва манзили)

меҳмонхона/транспорт/овқатланиш/бошқа туристик хизматларнинг _____ да белгиланган

(техник жиҳатдан тартибга солиш бўйича
норматив ҳужжатларлар)

талабларга мувофиқлигини тасдиқлайди.

Сертификат: _____ га тааллуқли.

(номерлар ва жойлар сони /транспорт воситаси тури/овқатланиш объекти тури ва
жойлар сони)

Қўшимча маълумотлар _____

Сертификат _____ асосида берилган.

(Марказ қарорининг рақами ва санаси)

Марказ раҳбари

_____ (шахсий имзо)

_____ (Ф.И.О.)

Туризм ва ёндош инфратузилма объектлари
ҳамда туристик хизматларни санитар-
гигиеня жихатдан хавфсиз хизмат кўрсатиш
талаблари асосида сертификатлаш тартиби
тўғрисидаги низомга
5-илова

**“Ўзбекистон. Хавфсиз саёҳат кафолатланган” (“Uzbekistan. Safe travel
GUARANTEED” махсус танитиш белгиси**



Туризм ва ёндош инфратузилма объектлари
ҳамда туристик хизматларни санитар-
гигиёна жихатдан хавфсиз хизмат кўрсатиш
талаблари асосида сертификатлаш тартиби
тўғрисидаги низомга
6-илова

**Объектлар ягона реестрига киритиладиган
МАЪЛУМОТЛАР**

1. Ариза берувчининг номи.
2. Ариза берувчининг почта манзили (жойлашган жойи).
3. Солиқ тўловчининг идентификация рақами.
4. Ариза берувчининг вакили тўғрисида маълумот (Ф.И.О., телефон рақами, электрон почта манзили).
5. Ариза берувчига расмийлаштирилган мувофиқлик сертификати рақами ва берилган сана.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “6” октябрдаги 602 -сон қарорига
4-илова

**Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси
ҳузуридаги Хавфсиз туризм жамғармаси маблағларини шакллантириш
ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қондалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Хавфсиз туризм жамғармасининг (кейинги ўринларда – Жамғарма) вазифалари ва фаолияти йўналишларини, шунингдек, унинг маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилаб беради.

2. Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда – Қўмита) ҳузурида юридик шахс мақомисиз, туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадбирларни молиялаштириш мақсадида ташкил этилади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

“Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED” тизими – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий туристларга санитария-эпидемиологик хавфсизлик талаблари асосида кўрсатиладиган хизматлар мажмуини ўз ичига олган тизим;

даволаниш харажатларини қоплаб бериш учун компенсация – Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган туроператор томонидан “Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED” тизими талабларига риоя қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташкил этилган саёҳат давомида хорижий туристлар коронавирус (КОРОНАВИРУС (COVID-19)) инфекциясини юктириб олган тақдирда, уларга 3 минг АҚШ доллари миқдорида компенсация тўловларини тўлаб бериш;

захира қилинган маблағлар – “чиқиш туризми” йўналиши бўйича туризм фаолиятини амалга оширувчи туроператор ва турагент томонидан туристларга шошилиш ёрдам кўрсатиш мақсадида Жамғармага захира қилинадиган 15 минг АҚШ долларига тенг миқдоридаги маблағлар;

туристларга шошилиш ёрдам кўрсатиш – “чиқиш туризми” йўналиши бўйича туризм фаолиятини амалга оширувчи туроператор ва турагент томонидан туристик хизматларни кўрсатиш шартномасида белгиланган хизматларни тақдим қилмаслик ёки қисман тақдим қилмаслик, шунингдек, туроператор ва (ёки) турагент банкрот (иктисодий ночор) деб эътироф этилиши оқибатида вақтинча бўлиш мамлакатада қолиб кетган туристларга ёрдам кўрсатишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи;

турист – белгиланган тартибда “чиқиш туризми” йўналиши бўйича туризм фаолиятини амалга оширувчи туроператор ёки турагент билан хизмат

кўрсатиш тўғрисида шартнома тузган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахс;

хорижий турист – Ўзбекистон Республикаси резидентлари – туроператор орқали Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туристик хизматлардан фойдаланувчи хорижий мамлакат фуқароси ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамайдигани фуқаролиги бўлмаган шахс.

4. Ушбу Низом талаблари Ўзбекистон Республикасига ва (ёки) Ўзбекистон Республикасидан форс-мажор ҳолатларда фуқароларни олиб кириш ва (ёки) олиб чиқиш ҳолатларига нисбатан татбиқ этилмайди.

2-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари

5. Жамғарма қуйидаги манбалар ҳисобига шакллантирилади:

“Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED” тизими доирасида жорий этилаётган ихтиёрий сертификатлаштиришдан ўтиш учун тўланадиган базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдоридаги тўловлар;

Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан ажратиладиган маблағлар;

“чиқиш туризми” йўналиши бўйича туризм фаолиятини амалга оширувчи туроператор ва турагентлар томонидан захира қилинадиган маблағлар;

юридик ва жисмоний шахсларнинг хомийлик хайрия маблағлари;

халқаро молия институтлари, хорижий ва донор ташкилотларнинг грантлари;

Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини депозитларга жойлаштиришдан тушадиган даромадлар бўйича тушумлар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Жамғармага тушадиган маблағлар Қўмита томонидан тақдим этилган аризага асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги томонидан очиладиган шахсий ғазна ҳисобварақаларида жамланади.

3-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш

7. Жамғарма маблағларидан қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:

а) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташкил этилган саёҳат давомида коронавирус (КОРОНАВИРУС (COVID-19)) инфекцияси билан зарарланган хорижий туристларга даволаниш харажатларини қоплаб бериш учун компенсация тўловларини амалга ошириш учун;

б) “чиқиш туризми” йўналиши бўйича туризм фаолиятини амалга оширувчи туроператор ва турагент банкрот (иктисодий ночор) деб эътироф этилиши оқибатида туристик маҳсулотни сотиш тўғрисидаги шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажара олмаслиги натижасида вақтинча бўлиш мамлакатада қолиб кетган туристларга молиявий ёрдам кўрсатиш;

в) “чиқиш туризми” йўналиши бўйича туризм фаолиятини амалга оширувчи туроператор ва турагент томонидан туристик хизматларни кўрсатиш шартномасида белгиланган хизматларни тақдим қилмаслик ёки қисман тақдим

қилмаслик натижасида вақтинча бўлиш мамлакатида қолиб кетган туристларга ёрдам кўрсатиш.

4-боб. Компенсация олишга ариза топшириш ва ажратиш тартиби

8. Компенсация тўлови қуйидаги шартлар асосида амалга оширилади:

хорижий турист Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган туроператор ёки турагент томонидан ташкил қилинган саёҳат доирасида Ўзбекистонга ташриф буюрган бўлиши;

саёҳат ташкил қилувчи туроператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар фақат “Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED” тизимида кирган туризм ва ёндош инфратузилма объектларида ташкил қилиниши ҳамда тизим талабларига риоя қилган бўлиши лозим.

9. Туроператор хорижий туристда коронавирус (COVID-19) инфекцияси аниқланганда, саёҳат давомида хорижий турист ташриф буюрган объект (жой)лар тўғрисидаги тўлиқ маълумотларни шакллантириши шарт.

Туроператор коронавирус (COVID-19) инфекцияси аниқланган хорижий турист ташриф буюрган объект (жой)лар тўғрисидаги тўлиқ маълумотни бир кунда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати органларига тақдим қилади.

10. Саёҳат давомида коронавирус (COVID-19) инфекцияси билан зарарланган хорижий туристларнинг даволаниш харажатларини қоплашга компенсация олиш учун туроператор Қўмитага ариза билан ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилади.

Аризада туроператорнинг номи, жойлашган жойи (почта манзили), электрон почта манзили кўрсатилади ҳамда унга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

туроператор ва хорижий турист ёки хорижий ҳамкор ташкилот ўртасида Ўзбекистонда туристик хизматлар кўрсатилиши тўғрисидаги шартнома нусхаси ва ваучер;

хорижий туристнинг паспорт нусхаси;

тиббиёт муассасасининг касалликка чалинганлик бўйича хулосаси (турист қайси вақтда касалликка чалинганлиги тўғрисида);

тиббиёт муассасасига ётқизилганини тасдиқловчи ҳужжат, муассасанинг манзили, СТИР, ҳисоб рақами ва тижорат банки реквизитлари.

11. Туроператор аризани хорижий турист тиббиёт муассасасига ётқизилган кундан бошлаб уч кун мобайнида Қўмитага топшириши шарт.

Хорижий турист Ўзбекистон ҳудудидан чиқиб кетганидан сўнг хорижий мамлакат тиббиёт муассасаларининг коронавирус (COVID-19) инфекцияси билан зарарланганлигини ва даволанганлигини тасдиқловчи ҳужжатлари компенсация мақсадида қабул қилинмайди.

12. Туроператор ёки турагент компенсация олиш учун тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг тўғрилигига масъул ҳисобланади.

13. Қўмита ариза тушган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида унинг ушбу Низомнинг 10-бандида белгиланган талабларга мослигини ўрганади.

14. Қўмита аризани ўрганиб чиқиб бир иш кунида компенсация ажратиш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади ва натижаси бўйича туроператорни қарор қабул қилинган куни хабардор қилади.

15. Компенсация ажратиш рад этилган тақдирда, рад этиш учун асос бўлган сабаблар аниқ кўрсатиб ўтилган рад этиш тўғрисидаги қарор ариза берувчига ушбу қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир иш кунида юборилади.

Ариза берувчи қарорни олган кундан бошлаб уч иш кунида кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиши ва уларнинг бартараф этилганини тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда Қўмитага такроран ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

16. Компенсация бериш қуйидаги асосларга кўра рад этилиши мумкин:
ушбу Низомда кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар ва маълумотлар тўлиқ ҳажмда тақдим қилинмаганлиги;

ариза берувчининг ушбу Низомнинг 8-бандида кўрсатилган талабларга жавоб бермаслиги.

Компенсация беришни ушбу Низомда кўрсатиб ўтилмаган асослар бўйича рад этиш мумкин эмас.

17. Ариза такроран тақдим этилган кундан бошлаб икки иш кунида Қўмита томонидан қайта кўриб чиқилади.

Бунда янги асослар бўйича компенсация беришни рад этиш мумкин эмас.

18. Компенсация Жамғарма маблағлари ҳисобидан ажратилади ва компенсация ажратиш тўғрисида қарор қабул қилинганидан сўнг бир иш кунида Қўмита томонидан тиббиёт муассасасининг ҳисоб рақамига ўтказилади.

5-боб. Захира қилинган маблағларни шакллантириш тартиби

19. “Чиқиш туризми” йўналиши бўйича туризм фаолиятини амалга оширувчи туроператор ва турагент Қўмитага 15 минг АҚШ долларига тенг миқдоридаги маблағларни Жамғармага захирага қўйиш юзасидан ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар нусхаси;

банк ҳисобрақамлари, электрон почта манзили тўғрисидаги маълумотлар.

20. Захира қилинган маблағлардан фойдаланиш тартибини белгилаш мақсадида маблағлар захира қилинган кундан бошлаб ўн беш кун мобайнида туроператор ёки турагент ва Қўмита ўртасида шартнома тузилади.

Шартномада қуйидагилар кўрсатилиши керак:

шартноманинг амал қилиш муддати;

томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

Ушбу Низомнинг 7-банди “б” ва “в” кичик бандларида белгиланган мақсадлар учун захира қилинган маблағлардан фойдаланиш, улар ўрнини тўлдириш тартиби ва муддатлари;

шартномани бекор қилиш ва захира қилинган маблағларни қайтариш тартиби ва муддатлари.

21. Қўмита захира қилинган маблағларни Жамғарманинг хорижий валютадаги ҳисоб рақаида жамғариб боради.

22. Туроператор ва турагентнинг лицензияси амал қилиши тўхтатилган ва бекор қилинган тақдирда, Қўмита захира қилинган маблағлар 3 иш куни мобайнида туроператор ва турагентга қайтарилишини таъминлайди.

6-боб. Туристларга шошилиш ёрдам кўрсатиш тартиби

23. Қуйидагилар туристларга шошилиш ёрдам кўрсатиш учун маблағлар ажратишга асос бўлади:

а) вақтинча бўлиш мамлакатидан туристларни транспорт (авиа, темир йўл, сув транспорти ва автотранспорт) воситалари орқали энг мақбул ва энг қисқа вақтда ичида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қайтариш;

б) “чиқиш туризми” йўналиши бўйича туризм фаолиятини амалга оширувчи туроператор ва турагент банкрот (иктисодий ночор) деб эътироф этилиши оқибатида туристик маҳсулотни сотиш тўғрисидаги шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажара олмаслиги натижасида вақтинча бўлиш мамлакатида қолиб кетган туристларга шартномада белгиланган хизматларни кўрсатиш;

в) “чиқиш туризми” йўналиши бўйича туризм фаолиятини амалга оширувчи туроператор ва турагент томонидан туристик хизматларни кўрсатиш шартномасида белгиланган хизматларни тақдим қилмаслик ёки қисман тақдим қилмаслик натижасида вақтинча бўлиш мамлакатида қолиб кетган туристларга шартномада белгиланган хизматларни кўрсатиш.

24. Туристларга шошилиш ёрдам кўрсатиш туроператор ёки турагент билан туризм хизматларини кўрсатиш тўғрисида шартнома тузган туристга кўрсатилади.

25. Қўмита турист (ёки ваколатли вакил), туроператор ёки турагент мурожаатига асосан хизмат кўрсатган туроператор ёки турагентнинг захира қилинган маблағлари ҳисобидан шошилиш ёрдам кўрсатади.

26. Мурожаатда қуйидаги маълумотлар бўлиши лозим:

а) туристнинг фамилияси, исми ва отасининг исми (агар бўлса);

б) турист жойлашган жойнинг манзили;

в) туристик маҳсулотни сотиш тўғрисидаги шартнома реквизитлари (сана, рақаи ва туроператор ва (ёки) турагентнинг номи;

д) мурожаат этувчининг алоқа қилинадиган маълумотлари (телефон рақаи ва (ёки) электрон почта манзили);

г) туроператор ёки турагент туризм маҳсулотини сотиш тўғрисидаги шартнома бўйича ўз мажбуриятларини, унга кирган туризм хизматларининг

тўлиқ кўрсатилмаганлиги ёки лозим даражада кўрсатилмаганлигини тасдиқловчи ҳолатлар (фактлар).

27. Қўмита ушбу Низомнинг 26-бандига мувофиқ мурожаатда мавжуд бўлган маълумотларнинг тўғрилигини хизмат кўрсатувчи туроператор ёки турагентни жалб қилган ҳолда текширади.

Захира қилинган маблағлардан фойдаланиш ҳолатлари юзага келганда ва туристга хизмат кўрсатган туроператор ёки турагент билан алоқа ўрнатиш имкони бўлмаган тақдирда, Қўмита бир иш кунида туристга хизмат кўрсатган туроператор ёки турагентни ва Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатдаги дипломатик ваколатхонасини ёзма ёки электрон шаклда туристларга шошилиш ёрдам кўрсатиш учун маблағ ажратилганлиги тўғрисида хабардор қилади.

28. Қўмита мурожаат қилувчидан туристик маҳсулотга киритилган хизматлар бўйича бошқа маълумот ва ҳужжатларни талаб қилиши мумкин.

29. Қўмита мурожаат олинган кундан бошлаб бир иш кунидан кечиктирмай туристга шошилиш ёрдам кўрсатиш ёки уни тақдим этишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Қабул қилинган қарор тўғрисида бир иш кунида турист ва хизмат кўрсатган туроператор ёки турагент хабардор қилинади.

30. Туристга шошилиш ёрдам кўрсатишни рад этиш тўғрисидаги қарор қуйидаги асослар бўйича қабул қилинади:

а) мурожаатда ушбу Низомнинг 26-бандига кўрсатилган маълумотларнинг мавжуд эмаслиги;

б) мурожаатда ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар аниқланиши;

в) шошилиш ёрдам кўрсатиш учун асос йўқлигини кўрсатадиган ҳолатлар аниқланиши;

г) ушбу Низомнинг 4-бандига кўрсатилган ҳолатлар аниқланиши.

31. Ушбу Низомнинг 30-бандига назарда тутилмаган асослар бўйича рад этишга йўл қўйилмайди.

32. Туристларга шошилиш ёрдам кўрсатиш бўйича харажатларни молиялаштириш Жамғарма маблағлари ҳисобидан транспорт ва (ёки) жойлаштириш воситалари учун тўловлар ва туристга шошилиш ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган бошқа хизматлар учун бундай хизматларни тақдим этадиган учинчи шахсларга ёки турист (ваколатли вакил)нинг Ўзбекистон Республикасида очилган халқаро пластик картасига тўлаш шаклида амалга оширилади.

33. Жамғармадан ажратиладиган тўловлар миқдори туристларга шошилиш ёрдам кўрсатишнинг ҳақиқий харажатлари асосида белгиланади.

7-боб. Яқунловчи қондалар

34. Қўмита компенсация тақдим этиш, туристларга шошилиш ёрдам кўрсатиш ишларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва мониторинг олиб

бориш, Жамғармадан ажратилган маблағларнинг етказилиши юзасидан масъул ҳисобланади.

35. Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

36. Қўмита раиси ва бош бухгалтери бухгалтерия ҳисоби тўғри юритилиши, Жамғармага маблағлар тушиши ва улардан фойдаланилиши тўғрисидаги ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш юзасидан белгиланган тартибда жавоб беради.

37. Қўмита Жамғармага маблағлар тушиши ва улардан фойдаланилиши тўғрисида ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 20-кунигача Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ҳисобот тақдим этади.

38. Жамғарманинг ҳисобот йилида фойдаланилмаган маблағлари кейинчалик ушбу Низомда, шунингдек, Қўмита раҳбарининг қарорига мувофиқ назарда тутилган тартибда ва мақсадларда фойдаланиш учун миллий валютада (захира қилинган маблағлар бундан мустасно) жамғариб бориладиган ғазна ҳисоб варағида қолади.

39. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “ 6 ” октябрдаги 602-сон қарорига
5-илова

Ўзбекистон Республикасида туристик зоналарга автотранспорт воситалари билан кириш учун йиғимни ундириш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қондалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасида туристик зоналарга автотранспорт воситалари билан кириш учун йиғим ундириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

туристик зона (туристик-рекреацион зона, эркин туристик зона, кичик туристик зона, махсус туристик зона) – муайян чегараларга эга бўлган, бир ёки бир неча туристик ресурслар (табiiй, тарихий, ижтимоий-маданий, даволаш-соғломлаштириш объектлари, шунингдек, туристлар ва экскурсантларнинг эҳтиёжларини қаноатлантира оладиган бошқа объектлар) жойлашган, кириш туризмни ва ички туризмни, туристик индустрияни ривожлантириш, туристик ресурсларни муҳофаза қилиш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш мақсадида ташкил этилган ҳудуд;

Туристтик зона дирекцияси – Туристтик зонанинг фаолият кўрсатиши ва бошқарилишини таъминлаш учун ташкил этиладиган давлат унитар корхонаси шаклидаги юридик шахс ёки Туристтик зона дирекцияси ваколатлари берилган бошқарув компанияси;

туристик зона йиғими – Ўзбекистон Республикаси туристик зоналарига автотранспорт воситалари билан кириш учун юридик ва жисмоний шахслардан Туристтик зона дирекцияси томонидан белгиланган миқдорларда ундириладиган йиғим;

хизмат кўрсатиш пункти – туристик зона ҳудудига кириш учун транспорт воситаларидан туристик зона йиғимини ундириш мақсадида ташкил этилган, автотураргоҳи мавжуд бўлган ҳамда “Tourism Zone” махсус белгиси билан жиҳозланган махсус пункт;

Туристтик зона дирекцияси махсус ҳисоб рақами – Туристтик зона дирекциясига туристик зона йиғимидан тушадиган маблағларни жамлаш учун очиладиган махсус ҳисоб рақами.

2-боб. Туристтик зона ҳудудига кириш учун тўловларни амалга ошириш тартиби

3. Туристтик зона йиғимини ундириш учун Туристтик зона дирекцияси томонидан туристик зонага кириш нуқтасида миллий валютада тўловларни қабул қилувчи хизмат кўрсатиш пункти ташкил қилинади.

4. Туристик зона дирекцияси хизмат кўрсатиш пунктида қуйидагиларни таъминлаши шарт:

хизмат кўрсатиш пунктнинг куну тун фаолият олиб бориши;

автотураргоҳ бўлиши;

йўл қисмини тўсиб турувчи шлагбаум бўлиши;

ахборот ва йўл ҳаракати қоидалари белгилари ўрнатилиши;

туристик зона йиғим суммалари ва уларни тўлаш тартиби ҳақидаги маълумотларни давлат тилида, рус ва инглиз тилларида кўринарли тарзда жойлаштириш ва бошқалар.

Туристик зона дирекцияси туристик зона йиғими тўловини амалга ошириш имконияти мавжуд бўлган мобил тўлов дастури ишлаб чиқилишини ёки мавжуд шу каби дастурга уланишни ҳамда уни халқаро тўлов тизимлари билан интеграциялашни таъминлайди.

5. Ўзбекистон Республикаси туристик зоналарига кириш учун туристик зона йиғими:

юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, хорижий юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида рўйхатдан ўтказилган автототранспорт воситаларидан;

Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлигида аккредитациядан ўтган хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларига, халқаро (давлатлараро, ҳукуматлараро) ташкилотлар ва уларнинг ваколатхоналарига, шунингдек, ушбу ваколатхоналар ва ташкилотларнинг ходимларига ва уларнинг оила аъзоларига қарашли бўлган автототранспорт воситаларидан (Ташки ишлар вазирлигининг таклифларига мувофиқ ташриф буюрган халқаро ташкилотларнинг делегациялари аъзоларининг тегишли автотранспорт воситалари бундан мустасно) миллий валютада ундирилади.

6. Туристик зона йиғими қонунчиликда белгиланган тартибда нақд пул ёки нақд пулсиз шаклда, шу жумладан, мобил тўлов воситалари орқали тўланади.

7. Хизмат кўрсатиш пункти фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасига, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса онлайн назорат-касса машиналари ёки виртуал кассага ва пластик карточкалардан тўловларни қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминаллари билан жиҳозланган бўлиши шарт.

8. Туристик зона йиғимини қабул қилиш талон асосида, фискал хотирали назорат-касса машинаси ёки пластик карточкалардан тўловларни қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминали чекини берган ҳолда туристик зонага киришда белгиланган тарифлар асосида амалга оширилади.

9. Туристик зона йиғими олдиндан мобил тўлов дастурлари орқали тўланган тақдирда, туристик зонага киришда ушбу тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи маълумот кўрсатилади.

3-боб. Туристик зона ҳудудига бепул кириш ёки имтиёзли кириш ҳуқуқи

10. Туристик зона ҳудудига киришда куйидаги транспорт воситалари йиғимдан озод қилинади:

белгиланган йўналиши ва бекатлари бўлган, йўловчи ташиш учун мўлжалланган умум фойдаланишдаги транспорт воситалари (троллейбус, трамвай, автобус, йўналишли такси);

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг таклифларига мувофиқ ташриф буюрган халқаро ташкилотларнинг делегациялари аъзоларининг тегишли автотранспорт воситалари;

аҳоли ва ташкилотларга коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотларга (газ, электр энергияси, иссиқлик таъминоти, совуқ сув, оқова сув ва бошқа ташкилотлар) тегишли автотранспорт воситалари;

алоқа хизматларини кўрсатувчи ташкилотларга тегишли автотранспорт воситалари ҳамда “Ўзбекистон почтаси” АЖнинг почта жўнатмалари;

тижорат банкларига тегишли хизмат автотранспорт воситалари;

тиббий ва эпидемиологик хизматлар кўрсатувчи корхоналарнинг автотранспорт воситалари;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва махсус ҳамда кутқарув корхоналарининг автотранспорт воситалари;

кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини олиб келаётган М1 тоифадаги автотранспорт воситалари;

етказиб бериш хизмати (кейтеринг) ташкилотларининг автотранспорт воситалари,

дафн маросимларида хизмат кўрсатувчи махсус автотранспорт воситалари;

электр транспортлари (электромобиллар);

туристик зона ҳудудида истиқомат қилувчи аҳолининг ҳамда ушбу ҳудудда меҳнат фаолиятини олиб боровчи ишчи ва ходимларнинг автотранспорт воситалари;

давлат органларининг хизмат автомашиналари.

Туристик зона дирекцияси ушбу тоифадаги транспорт воситаларининг ўтишини таъминлайдиган “очик пункт” ўрнатилишини ва ушбу тоифадаги транспорт воситаларининг ўтиш ҳисоби алоҳида қайд этилиб борилишини таъминлайди.

11. Туристик зона ҳудудига имтиёзли (чегирмали) асосларда кириш фақат туристик зона иштирокчилари (резидентлари) автомототранспорт воситаларига татбиқ этилади.

4- боб. Туристик зона йиғими миқдорини белгилаш ва маблағлардан фойдаланиш тартиби

12. Туристик зона йиғимининг миқдори Туристик зона дирекцияси томонидан туризм соҳасидаги ваколатли давлат органи билан келишган ҳолда ҳар йили 1 ноябрь кунига қадар кейинги йил учун белгиланади.

Туристик зона йиғимининг миқдори оммавий ахборот воситаларида эълон қилиб борилиши шарт.

13. Туристик зона йиғими миқдори қуйидаги шаклларда тасдиқланади:

- кунлик;
- хафталик;
- ойлик;
- йиллик.

Туристик зона йиғими куннинг вақти, ҳафтанинг куни ёки йилнинг ойига, туристик мавсумга ва транспорт тоифасига қараб табақалаштирилган тўлов шаклида жорий этилиши ҳам мумкин.

14. Туристик зона йиғими Туристик зона дирекцияси махсус ҳисоб рақамига йўналтирилади. Туристик зона йиғими маблағларидан қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:

- а) туристик зонанинг экологик ҳолатини яхшилаш, дарахтлар экиш;
- б) чиқиндиларни қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш;
- в) экологик жиҳатдан энг кам хавф туғдирувчи материаллар ва маҳсулотлардан фойдаланган ҳолда туристик инфратузилмани (йўл-кўрсаткичлар, замонавий чиқинди ташлаш нукталари ва бошқалар) ривожлантириш;
- г) туристик зонасида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш;
- д) туризм зонада электр транспортларидан фойдаланишни ривожлантириш ва рағбатлантириш;
- е) туристик зонанинг инфратузилмаси ҳолатини яхшилаш.

5-боб. Яқунловчи қонда

15. Ушбу Низом бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

